

Кўпгина олимлар динсиз бўлар эмиш, шу тўғрими?



13:30 / 07.05.2021 3342

Машҳур доктор Андрей Кунавиндан бир киши: «Эшитишимча, кўпгина олимлар динсиз бўлар эмиш, шу тўғрими?» деб сўрабди. Доктор шундай жавоб берибди: «Менимча, бу фикр тўғри эмас. Аксинча, мен илмий ишларим жараёнида, баҳсларда шуни тушуниб етдимки, илм майдонида шуҳрат қозонган улкан олимлардан ҳеч бири динсиз бўлмаган. Лекин одамлар уларнинг гапларини нотўғри тушунишган.

Худосизлик, бошқача қилиб айтганда, моддий худосизлик илм кишисининг фикрига, ишига ва ҳаётига тескари нарсадир. Олимларнинг фикрича, ҳар бир нарсанинг яратувчиси бор. У бир нарсанинг ҳақиқатини билиш учун ақлни ишга солади. Ишхонасига умид билан, қалби тўла ишонч билан киради. Ҳақиқий олимларнинг кўпчилиги ўз ишларини маърифатга, инсонларга ва Аллоҳга бўлган муҳаббатлари туфайли ўрнида бажо қиладилар».

Доктор Андрей Кунавин